



**Наманган вилоятидаги
натижалар ва янги лойиҳалар
ҳақида ахборот берилди**

Президент Шавкат Мирзиёев 7 июль кунин Наманган вилоятида ислохотлар натижадорлиги, ҳудудлардаги ишларнинг бориши ва лойиҳалар ижроси юзасидан ҳисобот билан танишди.



**Ислохотларнинг
Жиззах вилоятидаги ижроси
кўриб чиқилди**

Президент Шавкат Мирзиёев 7 июль кунин Жиззах вилоятида ислохотлар натижадорлиги, ҳудудлардаги ишларнинг бориши ва аҳолини қўйнаётган масалалар ҳал этилиши юзасидан ҳисобот билан танишди.



**Қатар Давлати Амири
билан мулоқот**

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 7 июль кунин Қатар Давлати Амири Шайх Тамим бин Ҳамад Ол Соний билан телефон орқали мулоқот қилди.



**Ўзбекистон BRICS'нинг
ҳамкор давлати**

Бразилиянинг Рио-де-Жанейро шаҳрида бўлиб ўтган BRICS'нинг 17-саммитида Ўзбекистон расман ушбу ташкилотнинг ҳамкор давлатларидан бири сифатида қабул қилинди. Бу ҳақда саммит баёнотида эълон қилинди.



**Ўзбекистон ва Швеция
меҳнат миграцияси ҳолатида
ҳамкорлик**

Ўзбекистон ташқи ишлар вазирининг ўринбосари Олим Абдуллаевнинг Швеция миграция вазирини Йохан Форселл билан учрашуви давомида меҳнат миграцияси ҳолатида ҳамкорлик, мо-биллик ва реадмиссияга оид ҳукуматлараро битим тузиш, ви-зани соддалаштириш тартиблари ва ноқонуний миграцияга қарши курашиш масалалари ҳуусида атрофлича фикр алмашилди.



**Қорақалпоғистонда
5 та янги микро ГЭС
ишга туширилди**

«Ўзбекгидроэнерго» акция-дорлик жамияти томонидан Қорақалпоғистон Республикасида 5 та янги микро гидроэлектр станция фойдаланишга топширилди. Маҳаллий аҳоли учун барқарор электр энергия манбаи сифатида иш бошлаган Нукус туманидаги 3 та, Хўжайли туманидаги 2 та микро ГЭС тадбиркорлар учун намунавий лойиҳа сифатида хизмат қилади. Энди давлат-хусусий шериклик асосида янги микро ГЭСларни қуришда ишбилармонлар ҳам фаол иштирок этишлари мумкин.



**Имтиҳонлар 14 июлдан
бошланади**

2025-2026 ўқув йили учун олий ва профессионал таълим муассасаларига ўқишга кириш имтиҳонлари 14 июлдан бошланиб, 23 июлгача давом этиши маълум қилинди. Билим ва малакаларни баҳолаш агентлигининг хабар беришича, тест синовлари 2 сменада бўлиб ўтади.

**2025-йил
8-iyul
seshanba
№84
(5148)**

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan

YURT TARAQQIYOTI YO'LIDA BIRLASHAYLIK!

Ishonch

Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси nashri



Президентимиз ташаббуси ва эътибори натижасида қад ростлаган мазкур оромгоҳнинг тантанали очилиш маросимида Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси, Фарғона вилояти ҳокимлиги, кенг жамоатчилик вакиллари, зиёлилар, элимиз ардоғидаги устоз-мураббийлар, таниқли ижодкор ва санъаткорлар, нурунийлар, маҳалла фаоллари, ота-оналар ҳамда болажонлар иштирок этишди.

Фарғона вилояти ҳокими Хайрулло Бозоров ва Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касба уюшмаси Республика кенгаши раиси, Болаларнинг дам олишини ва соғломлаштирилишини ташкил этиш Департаменти директори Анавржон Абдумухторов Президентимиз томонидан ёш авлод келажаги учун улкан имкониятлар яратиб берилаётгани, уларнинг етук инсонлар бўлиб улғайиши учун, умуман, ҳар бир соҳада амалга оширилаётган ислохотлар, энг аввало, инсон манфаатларини таъминлашга қаратилганлигини алоҳида таъкидлашди.

Янги оромгоҳ 200 ўринга мўлжалланган бўлиб, масканда мавсум давомида 5 навбатда жами 1000 нафар ўғил-қиз ёзги дам



БУНЁДКОРЛИК

«БИЛИМДОН»ДА БОЛАЛИКНИНГ БЕҒУБОР ДАМЛАРИ

Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси томонидан Фарғона вилоятининг Фарғона тумани «Логон» МФЙ ҳудудида «Билимдон» болалар соғломлаштириш оромгоҳи фойдаланишга топширилди

олишни мазмунли ўтказиш. Бу ерда болажонларнинг мириқиб ҳордиқ чиқариши билан бирга, жисмонан чиниқиб, саломатликларини мустаҳкамлашлари, билимларини оширишлари учун барча зарур шарт-шароитлар муҳайё этилган.

Барча қулайликларга эга маданият ва маърифат маркази, ўзбек ва жаҳон адабиёти дурдоналари ўрин олган кутубхона, тўғрак хоналари, маданий тадбирларни ўтказиш учун мўлжалланган тантаналар майдони, ярим очик амфитеатр, тиббиёт хонаси, жаҳон стандартлари талабларига жавоб берувчи сузиш ҳавзаси, спорт ва болалар майдончалари, замонавий лойиҳалар асосидаги ётоқ бинолари, барча қулайликларга эга бўлган ошона болажонларнинг эсда қоларли дам олишига хизмат қилади.

—Тўғриси, икки нафар фарзандимнинг шундай масканда дам олаётганидан жудаям хурсандман, — дейди оромгоҳнинг биринчи дам

олувчиларидан бўлган Юнусбек ва Софийахонларнинг онаси Муҳаббатхон Азизова. — Оромгоҳдаги шароитдан кўз қувнаб, дил яйрайди. Болажонларнинг ҳордиқ чиқариши учун нима зарур бўлса, ҳаммаси муҳайё қилинган. Спорт майдончалари, безатилган айвончалар, чўмилиш ҳавзасидаги зилол сув, турли томошаларга мўлжалланган саҳна, ошона, кутубхона, тўғрак хоналари, шинам ва озода ётоқхоналарни қўриб, ҳавасингиз келади.

Илк дам олувчи ўғил-қизлар оромгоҳга борган кунгидея бир олам таассуротларга эга бўлишди.

Янги барпо этилган «Билимдон» оромгоҳининг рамзий калити болажонларга топширилган тантанали тадбирда таниқли санъаткорлар ижро этган дилбар тароналар кечага янада файз киритди.

Жамшид ЭРҒАШЕВ
«ISHONCH»



СУҒУРТА ТИЗИМИ НЕГА ЗАМОН НАФАСИНИ ҲИС ҚИЛМАЯПТИ?

Автотранспорт воситасини суғурта қилиш мажбурият сифатида белгилаб қўйилган. Қоидага биноан, йўл-транспорт ҳодисаси со-

дир бўлса, етказилган зарарни суғурта компанияси қоплаб бериши керак.

Аммо бу иш хамирдан қил суғургадек осонлик билан

битмайди. Унинг ўзига яраша югур-югури ва машаққати бор. Бу масаланинг бир тарафи. Унинг яна бир муҳим жиҳати бор. Мулоҳазамиз ай-

нан шу хусусда.

Охириги беш йилликда мамлакатимизда истеъмол нархлари индекси 160 фоизга, энг кам иш ҳақи эса 265 фоизга ошди. Мажбурий суғурта қилиш тўловлари ҳам шунга яраша кўтарилди. Аммо суғурта компаниялари автотранспорт воситасига етказилган зарар учун тўлайдиган миқдор ҳамон ўша-ўша — 40 миллион сўм. Ушбу нарх 2019 йилдан бери ўзгарма-япти. Ваҳоланки, ўтган йиллар мобайнида автомобиллар таъмирлаш, тиббий хизматлар ва эҳтиёт қисмлари харажатлари каррасига ошиб кетди.

Хўш, бозор талабларидан мутлақо ортда қолаётган мажбурий суғурта тизими нега замон нафасини ҳис қилмаяпти? Энгидан тортсанг — этагига етмайдиган тўлов миқдори қачон жабрланган фуқаролар жонига ора қиради?

Нурилла ШАМСИЕВ
«ISHONCH»



**Ўзбекистон касба уюшмалари Федерациясида
куну тун фаолият кўрсатадиган**

1211

**қисқа
рақамли
«Ишонч
телефони»,
яъни
«Call-center»га**

**мамлакатимизнинг турли ҳудудларида,
олис ва чекка қишлоқларида
яшаётган хотин-қизлар ўз муаммолари
бўйича исталган вақтда мурожаат
қилишлари мумкин.**

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ҲАРАКАТИНИНГ 120 ЙИЛЛИГИГА

ҲУҚУҚ

ИШЧИ-ХОДИМЛАР МАНФААТЛАРИ УСТУВОР ВАЗИФА

Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Қорақалпоғистон кенгаши меҳнат қонунчилиги ижросини таъминлаш, тиббиёт ходимларининг меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва улар учун зарур шарт-шароитлар яратиш мақсадида кенг кўламли ишларни амалга ошириб келмоқда.

Хусусан, ўтган беш йилда нодавлат сектордаги муассасаларда касаба уюшмаларига аъзолик афзалликларини тушунтириш натижасида 321 та ташкилотда фаолият юритувчи 3290 нафар ходим ҳимояга олинди. Биргина мисол, 2021 йил ҳолатига кўра, аъзолар сони 35790 нафарни ташкил қилган бўлса, жорий йил 1 январда 47473 нафарни ташкил этди.

Сўнгги йилларда ижтимоий мулоқотларни янада ривожлантириш мақсадида иш берувчилар ва касаба уюшмаси кўмиталари ўртасида ижтимоий-меҳнат муносабатлари масалалари бўйича комиссиялар тузилди. Улар томонидан жамоа келишув ва шартномалари ишлаб чиқилиб, ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий ва меҳнат манфаатлари ҳимоясини кучайтириш нормалари, иш ҳақини оширишни назарда tutувчи бандлар, иш ва дам олиш вақтлари соҳасида кўшимча имтиёзлар киритилиши натижасида бир ходим учун сарфланган маблағ йилдан-йилга охиб борилишига эришилмоқда. 2021 йилда жамоа шартномалари бандларининг бажарилиши бўйича ўрта ҳисобда бир ходимга сарфланган маблағ 6 млн. 213 минг 629 сўм бўлган бўлса, 2024 йил бу кўрсаткич 9 млн. 984 минг 483 сўмни ташкил этди. Бундан ташқари, меҳнат инспекторлари томонидан ўрганишлар натижасида иш ҳақи ва кўшимча устамаларни тўлаб бериш бўйича иш берувчиларга 136 маротаба кўрсатмалар киритилиб, 4 млрд. 425 млн. 473 минг сўмлик маблағ ундириб берилди.

Ўзбекистон касаба уюшмалари ҳаракатининг 120 йиллиги муносабати билан қорхона ва ташкилотларда ҳафтийлик тадбирлар белгиланган. Жумладан, «Фахрийлар – касаба уюшма аъзосида»,



«Уч авлод учрашуви», спортнинг мини-футбол тури бўйича мусобақалар, саломатлик техникуми ўқувчилари ўртасида «Заковат» интеллектуал ўйинлари ва кўплаб тадбирлар ўтказилмоқда.

Яна бир муҳим жиҳат жорий йилнинг мартада Мўйноқ туманида Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси, Халқаро Меҳнат ташкилотининг Меҳнаткашлар фаолияти бўйича бюросининг Шарқий Европа ва Марказий Осиё сектори, Жамоат хизмати Интернационали Европа Федерацияси ҳамда Марказий Осиё мамлакатлари соғлиқни

сақлаш ходимлари касаба уюшмалари кенгаши ҳамкорлигида «Иқлим ўзгариши ва Орол денгизи инқироzi: касаба уюшмаларининг муносиб меҳнат ва жамоат саломатлигини таъминлашдаги ўрни» мавзусида халқаро илмий-амалий конференция ўтказилгани бўлди.

Халқаро анжуманда Ўзбекистон, Қирғизистон, Тожикистон, Мўғулистон соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмалари, Руминиянинг «Sanitas», Қозоғистоннинг «Aqniyet» ва «QazMed» соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмалари вакиллари, шунингдек, Қорақалпоғистондаги экология, соғлиқни сақлаш, иқтисодиёт, бандлик ва меҳнат соҳалари бўйича вазирликлар мутасаддилари иштирок этди.

Аҳамиятлиси, тадбир аввалида иштирокчилар она табиатни асраш йўлида бирдамлик акциясини ташкил этишди. Мўйноқ шаҳридаги «Кемалар қабристони»да «Табиатни асрайлик» мавзусида дунё жамоатчилигига, бутун дунё касаба уюшмаларига ва уларнинг аъзоларига қаҳриқ флешмоби ҳам ўтказилди. Шунингдек, Мўйноқ тумани тиббиёт бирлашмасида самарали меҳнат қилиб келаётган 40 нафар тиббиёт ходимида эсдалик совғалари топширилди.

Бугунги касаба уюшмалари олдингисидан тубдан фарқ қилади. Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Қорақалпоғистон кенгаши келгуси 5 йиллик муҳим устувор вазифаларни белгилаб олар экан, янгидан-янги ташаббусларни илгари суриб, ижтимоий шериклик ва ҳамкорликни янада кенгайтириш, меҳнаткашларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича тизимли ишларни давом эттиради.

Лиза БАЙБОСИНОВА,
Ўзбекистон соғлиқни сақлаш
ходимлари касаба уюшмасининг
Қорақалпоғистон
кенгаши раиси



ҲАҚИҚАТ ЎЗ СЎЗИНИ АЙТДИ

Меҳнат инсон учун нафақат тирикчилик манбаи, шу билан бирга шараф ва қадр-қиммат масаласи ҳамдир. Шу сабаб меҳнат муносабатларида ходимнинг ҳуқуқлари поймол этилишининг зарари фақат унинг ўзигагина эмас, балки бутун жамиятга салбий таъсир кўрсатади. Яқинда фуқаролик ишлари бўйича Шайхонтоҳур туманлараро судида бўлиб ўтган суд мажлисида қабул қилинган қарор бунга яққол мисол бўлади.

Гап шундаки, Ҳикматилла Зокиров 2019 йилдан 2023 йилнинг охиригача Республика инкассация хизмати давлат муассасасида хайдовчи бўлиб ишлаган. Бу орада соғлиғи ёмонлашгани боис даволашига мажбур бўлган. Аммо буни асословчи касаллик варақаси бўлишига қарамай, иш берувчи уни ишдан бўшатиб юборган. Бу жараёнда Меҳнат кодексининг 164-моддаси талаблари мутлақо инobatта олинмаган.

Фуқаронинг касаба уюшмаларига йўллаган мурожаати асосида ҳолат назоратга олиниб, ходимнинг бузилган ҳақ-

ҳуқуқини ҳимоя қилиш мақсадида судга даво-ариза киритилди.

Судда ҳақиқат ўз сўзини айтди – Ҳикматилла Зокиров ишга тикланди ҳамда иш берувчидан унинг фойдасига 10 миллион сўм миқдорида маънавий зарар ундириб берилди.

Мурод
ХУДОЙБЕРГАНОВ,
Давлат муассасалари ва
жамоат хизмати ходимлари
касаба уюшмаси
Республика кенгаши
Меҳнат инспекциясининг
бош меҳнат ҳуқуқ
инспектори

НАЗОРАТ БОР ЖОЙДА ТАРТИБ БЎЛАДИ

Назорат бор жойда тартиб-интизом, қонун устуворлиги, ходимларнинг ҳақ-ҳуқуқлари таъминланиши табиий. Шундан келиб чиққан ҳолда тасарруфдаги муассаса ва ташкилотларда тез-тез ўрганиш ишлари олиб боряпмиз. Аниқланган камчилик ва хатолар юзасидан масъулларга тегишли тартибда кўрсатма хатлари киритяпмиз.

Ана шундай тадбирлар доирасида яқинда бир қанча меҳнат жамоаларида бўлди. Гулистон шаҳридаги 18-умумий ўрта таълим мактаби, «Мос Ян Текс» ҚК, Боёвут ирригация бошқармаси ҳамда «Индорама Агро» МЧЖ шулар жумласидан.

Маълум бўлишича, бу объектларда 880 нафар ходим меҳнат қилади. Ўрганишлар мобайнида ушбу муассасалардаги шарт-шароитлар, қонунчилик доирасида иш юритилиши ва бошқа масалалар бўйича 15 та камчилик аниқланди. Улар бўйича иш берувчиларга кўрсатма хатлари киритди ва камчиликларни бартараф этишга эришди.

Аъзолар умид ва илнж билан бизга йўллаётган мурожаатлар ҳам эътиборимиздан четда қолаётгани йўқ. Масалан, йил бошидан шу пайтгача турли масалалар юзасидан келиб тушган 33 та мурожаатдан 17 таси қаноатлантирилиб, фойдаланилмаган таътиллار ва кечиктирилган иш ҳақлари учун компенсация

пуллари ундириб берилди. Айтайлик, Улуғбек Саидбеков Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги ҳузуридаги Миграция агентлигининг Сирдарё вилояти филиалида бош мутахассис сифатида фаолият юритарди. Аммо иш берувчининг ташаббуси билан ўзаро тузилган меҳнат шартномаси бекор қилинди. Унинг касаба уюшмасига йўллаган мурожаати асосида вазиятни ўрганиб, Шу асосда филиал раҳбарига тақдимнома киритди. Аммо бундан бир иш чиқмагач, фуқаронинг манфаатини кўзлаб, судга шикоят-ариза йўллади. Шундан сўнг У.Саидбеков аввалги лавозимига тикланди ҳамда иш берувчидан унинг фойдасига 28 миллион 22 минг 940 сўм маънавий зарар ундириб берилди.

Ширинхон
УМАРАЛИЕВА,
Ўзбекистон касаба
уюшмалари Федерацияси
Сирдарё вилояти
кенгаши меҳнат ҳуқуқ
инспектори

ИЧКИ ТУРИЗМ

ЁШЛАР УЧУН УЛКАН МАЪНАВИЙ ҚУВВАТ

Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Хоразм вилояти масъул ташкилотчиси ташаббуси билан соҳада фаолият кўрсатаётган юз нафарга яқин ёшлар учун Самарқанд ва Бухорога тўрт кунлик саёҳат ташкил қилинди.



Ёшлар дастлаб Самарқанддаги ISFE Халқаро институти билан танишишди. Институт мутасаддилари томонидан ўтказилган тақдимот иштирокчиларда катта таассурот қолдирди.

Шу ернинг ўзида Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Самарқанд шаҳар кенгаши билан ҳамкорликда Ўзбекистон касаба уюшмалари ҳаракатининг 120 йиллигига бағишланган давра суҳбати ташкил қилиниб, касаба уюшмалари тарихи, кейинги йилларда амалга оширилаётган ислохотлар, тармоқ касаба уюшмаси томонидан аъзоларни қўллаб-қувватлаш борасида олиб борилаётган чора-тадбирлар ҳақида сўзлаб берилди. Бир гуруҳ ёшлар ташкилотчилар томонидан китоблар билан тақдирланди.

Шундан сўнг хоразмлик ёшлар Самарқанднинг диққатга сазовор жойларини томоша қилишди. Тарихий мажмуалар, хусусан, тунги Регистон барчада катта таассурот қолдирди.

– Сафардан улкан маънавий қувват олдиқ. Баҳаво табиат, ҳар бири минг йиллик тарихдан сўзловчи мажмуалар қалбимизни ғурурлантирди,

– дейди Урганч шаҳридаги 3-мактаб ўқитувчиси Сумбул Раҳимова.

Шундан сўнг қадимий ва навқирон Бухоро томон йўл олинди. Баҳоуддин Нақшбанд ҳазратлари зиёратидан бошланган саёҳат Арк мажмуаси, Сомониylар мақбараси каби табаруқ масканлар томошаси билан давом этди. Тунги Бухоро манзараларидан баҳраманд бўлинди. Воб-кентда бунёд этилган Экобоғ билан танишилди.

– Саёҳат давомида қизиқарли маълумотлар олдиқ. Ҳамроҳларимиз билан ўзаро фикрлашдик. Тарихий шаҳарларни кўрмаган дўстларимиз кўп экан, – дейди Урганч давлат университетини ўқитувчиси Азамат Мадримов.

Таъкидлаш керакки, Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Хоразм вилояти ташкилоти аъзоларининг 15 минг нафардан зиёди ёшлардир. Тармоқ касаба уюшмаси томонидан уларнинг жамоада, жамиятда ўз ўринларини топишлари учун барча ташаббуслар кўрсатилиб, улар моддий ва маънавий қўллаб-қувватланмоқда.

Муҳаббат ТЎРАБОЕВА
«ISHONCH»

Олмалиқ кон-металлургия комбинатида қарашли «Истиқлол» оромгоҳи Зомин туманининг энг хушманзара маскани – Усмонлисой қишлоғида жойлашган. Баланд тоғлар бағрида яшнаб турган арчалардан таралаётган хушбўй ва шифобахш ҳидлар болажонларга ўзгача кайфият бағишлайди. Бу ерда болаларнинг мазмунли ҳордиқ чиқаришлари учун барча имкониятлар яратилган. Мини-футбол, баскетбол, волейбол, стол тенниси майдончалари ва чўмилиш ҳавзаси болажонлар ихтиёрида. Шифокор ва ҳамширалар дам олувчилар соғлиғини мунтазам назорат қилиб боришади.

Масканда ҳар куни қизиқарли маданий-маърифий ва спорт тадбирлари ўтказилади. Оромгоҳда инглиз тили, моҳир кўллар ва тасвирий санъат каби турли турлар мунтазам ишлаб турибди. Қутубхонада эса ўқувчилар ўзлари қизиққан бадий асарларни ўқиб, таассуротлари ҳақида баҳслашади.

– Дам олиш масканини таъмирлаш ва мавсумга тайёрлашда Олмалиқ кон-металлургия комбинати раҳбарияти ва касаба уюшма кўмитаси кенг кўламли ишларни амалга оширди, – дейди оромгоҳ раҳбари Улуғбек Абдуғофиров. – 4 мавсумда 800 нафарга яқин ўғил-қизнинг дам олишини режалаштирганимиз. Ҳозир оромгоҳда 8-14 ёшгача бўлган болалар 7 гуруҳга бўлинган ҳолда дам олишмоқда.



ЁЗГИ СОҒЛОМЛАШТИРИШ



УСМОНЛИСОЙДА ЗАВҚЛИ ТАЪТИЛ

Болажонларнинг дам олишини намунали ташкил этиш учун, озиқ-овқат хавфсизлиги таъминланган ҳолда, 5 маҳал таом йўлга қўйилган. Соя-салқин жойларда шахмат-шашка мусобақалари ўтказилса, кичик саҳнада болалар кўшиқ айтиб, рақсга тушадилар. Турли миллатларга хос миллий либослар ва кўшиқларда дўстлик мадҳ этилади. «Қувноқ стартлар» мусобақаси эса болажонларнинг сеvimли машғулотига айланган.

Бир сўз билан айтганда, «Истиқлол»да ҳар кун мана шундай тадбирлар ва мусобақалар дам олувчиларга кўтаринки кайфият ва куч-қувват бағишламоқда.

Абдусаттор СОДИҚОВ

Ҳаммамизга маълум ҳақиқат: бу-гун экологик муаммолар бутун дунёда энг долзарб масалага ай-ланди. Ифлос ҳаво, чиқиндига тўлган замин, заҳарланган сув – булар нафақат маҳаллий, балки глобал даражада ҳал этилиши шарт бўлган вазифалардан ҳисоб-ланади.

Масаланинг ечимига тўсқинлик қи-ладиган асосий жиҳатлардан бири шундаки, биз одатда экологик муам-моларда айбни йирик объектларга – саноат корхоналарига ёки давлатга юклаймиз. Аслида эса барчаси кичик мурватлардан бошланишини унутиб қўямиз. Дунёдаги экологик муаммо-лар нафақат саноат ва технология, балки инсоннинг кундалик одатлари билан ҳам боғлиқдир.

ТЕЗКОР ТЕХНОЛОГИЯ – СЕКИН ҲАЛОКАТ

Бугунги ҳаётимизни смартфон ва ноутбукларсиз, шуниингдек, бошқа эҳтиёжий техника воситаларисиз та-саввур этиб бўлмайди. Аммо ҳар бир янги қурилма янги чиқинди демакдир.

Маълумотларга кўра, мамлақати-мизда ҳар йили 1 миллион тоннадан ортиқ электрон қурилмалар чиқин-диси пайдо бўлмоқда. Уларнинг тар-кибидagi симоб, литий, мис ва бошқа моддалар эса тупроқ ва сувга арала-шиб, ҳаётга хавф туғдирмоқда.

АВТОМОБИЛЬ – ЭРКИНЛИКМИ ЁКИ ҲАВОНИНГ ДУШМАНИ?

Таҳлилларга қараганда, сўнгги икки йилда Тошкент шаҳрининг ўзида 30 ёшгача бўлган ҳайдовчилар сони 20 фоизга кўпайган. Бу шахар ҳаво-сидаги углерод газ миқдорининг ошиб боришига сабаб бўлмоқда. Ҳар бир авто ҳавони ифлословчи СО₂ манбаи-дир. Жамоат транспортидан фойда-ланиш ўрнига шахсий транспортга мойиллик экологик муҳитни янада ёмонлаштирмоқда.

ПЛАСТИК ҚОПЧАЛАРДАГИ ҲАЁТ

Қаҳвахона, тез тайёр бўлади-ган таомлар ва «takeaway» хизмат-лари бугунги кунда ёшлар ҳаётининг бир қисмига айланди. Натижада, бир



Ёшлар ва экологик хавф: келажак кимнинг қўлида?

марталиқ пластик идишлар ҳар кун чикиндига айланмоқда. Бу идишлар-нинг аксарияти қайта ишланмайди, шунчаки табиат қўйини тўлдир-моқда.

ОЗИҚ-ОВҚАТ ЧИҚИНДИЛАРИ: ИСРОФ ВА ИФЛОСЛАНИШ

Мамлакатимизда ҳар йили та-хминан 3 миллион тонна озиқ-овқат чикиндиси пайдо бўлади. Бу масала республика миқёсида янги таҳлил ва ечимларни талаб қилади.

Озиқ-овқат чиқиндиларидан био-этанол ёки биодизел ишлаб чиқариш мумкин, бу 1,11 миллиард литр био-этанол ёки 1,02 миллиард литр био-дизелга тенг. Натижада, СО₂ чиқин-диси 1,6 миллион тоннага камай-тирилиши мумкин. Бу муаммолар ёшларнинг ижодий ғоялари, стартап ва университетлардаги лаборатория-ларнинг экологик лойиҳаларга айла-ниши учун катта имкониятдир.

МИКРОПЛАСТИК ВА ЁШЛАР КОСМЕТИКАСИ

Кўплаб ёшлар ишлатаётган скраб-лар, шампунь ва бўёқлар орқали мик-ропластикларнинг табиатга тарқа-

лиши кўринмайдиган ёки сезилмай-диган экологик ифлосланишдир.

ПЛАСТИК ИФЛОСЛАНИШ ВА ҚАЙТА ИШЛАШ ИНФРАТУЗИЛМАСИ

Ўзбекистонда чиқиндиларнинг 10,2 миллион тоннадан 1,05 миллион тоннаси (10,3 фоизи) пластик чиқинди ҳисобланади. У сўнгги ўн йилда 2,5 мартага ошган.

Улардан автомобиль ва қурилиш саноати тармоқлари фойдаланади. Аммо фақат 4-5 фоиз пластик қайта ишланади, ҳолос. Уларни ёқиш ёки ташлаб юбориш орқали экологик зар-рар янада кўпаяди.

ТЕХНОЛОГИК ЧИҚИНДИЛАР ВА ТАБИАТНИНГ БУЗИЛИШИ

Бугунги бунёдкорлик, янги шахар ҳамда инфратузилима қурилишлари, фойдаланилмаган ерларни ўзлашти-риш ва табиатнинг бузилиши ҳам техно-логик чиқиндиларнинг кўпайишига олиб келмоқда.

Умуман олганда, бир киши ку-нига ўртача 650-750 грамм маийш чикинди чиқаради ва йилига 7 мил-лион тонна атрофида умумий чиқин-

дилар ҳосил бўлади. Бу заминимиз дақиқа сайин чиқиндиларга тўлиб бормоқда, дегани.

Экологик муаммоларни ёшлар-нинг ижоди, кучли саъй-ҳаракатлари, янги экологик лойиҳалари ҳамда та-шаббуслари орқали бартараф этиш мумкин. Бунинг учун тарғибот ишлари олиб бориш, акция, стартап ва маҳал-лий ташаббуслар муҳим ўрин тути-шини унутмаслигимиз керак.

БАРЧАСИ МУНОСАБАТГА БОҒЛИҚ

Экологик муаммоларни фақат танкид билан ҳал қилиб бўлмайди. Ҳар бир шахс масъулиятни ҳис қи-лиши лозим. Келажакимиз ёшлар қўлида. Лекин бу қўллар табиатни асрайдими ёки уни бузадими – бу уларнинг она табиатга кўрсатаётган муносабатига бевосита боғлиқ. Ай-нан улар келажакнинг экологик ли-дерларидир. Улар томонидан илгари сурилмадиган ҳар бир ташаббус эко-логик офатнинг олдини олиш йўлидаги муҳим қадамдир.

Марям АҲМЕДОВА,
журналист

ДОЛЗАРБ МАВЗУ

АДОЛАТ – АСОСИЙ ТАМОЙИЛ

Мамлакатимиз суд тизимида шаффофлик, ҳалоллик ва масъулиятни кучайтириш коррупцияга қарши курашнинг асо-сий шартларидан бири бўлиб, адолат посбонлари нафақат ҳуқуқий билимларга балки ахлоқий ва маънавий жиҳатдан ҳам юқори савияга эга бўлиши зарурдир.

Буллар эса, биринчи навбатда, судьяларнинг малакаси, касбий тайёргарлиги ва ахлоқий позициясига боғлиқ.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси ва кўрсатмаси асосида ташкил этилган Судьялар олий мактаби юртимизда адолатли, ватанпарвар ва фидойи судьялар корпусини шакллантиришга қаратилган ягона ихтисослашган таълим муассасаси сифатида фаолият юритмоқда.

Муассаса назарий билим бериш билан чекланиб қолмай, судьяларнинг ҳуқуқий онги, ахлоқий позицияси ва коррупция-га қарши ички иммунитетини шакллантиришни ўз олдига асо-сий мақсад қилиб қўйган. Хусусан, 2024-2025 йилларда Судья-лар олий мактабида коррупцияга қарши кураш бўйича махсус ўқув курслари, тренинглар ва амалий машғулотлар фаол йўлга қўйилди. Дастурлар БМТ, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти (ЕХХТ) ва Европа кенгаши каби халқаро ташкилот-ларнинг тавсиялари доирасида ишлаб чиқилган бўлиб, мил-лий қонунчилик ва амалиёт билан уйғунлаштирилган. БМТ-нинг Коррупцияга қарши конвенцияси, Судьялар учун ахлоқий кодекслар ва халқаро стандартлар (масалан, Бангалор судья одоби принциплари) кабилар шулар жумласидан.

Шунингдек, ўқув-машғулотларда «коррупцияга қарши шах-сий позицияни шакллантириш» асосий ғоя сифатида тарғиб қилинмоқда. Қиёсий таҳлиллар, симуляция асосидаги машғу-лотлар ва ҳуқуқий психология бўйича семинарлар орқали судьяларнинг реал ҳаётий вазиятларда ҳолис ва адолатли қа-рор қабул қилиш кўникмалари ошиб бормоқда.

Яна бир гап. Коррупцияга қарши курашда рақамлаштириш масаласига муҳим восита сифатида қаралмоқда. Натижада суд тизимида ишларни автоматик тақсимлаш жорий этилди. Бу ин-сон омилини ва коррупциявий хавфни камайтиришга хизмат қилмоқда. Электрон муурожаат тизими ҳам жисмоний, ҳам юри-дик шахсларга катта қулайликлар яратди. Суд мажлисларининг видеотасмага ёзиб олинаётгани эса оқилкини таъминлаш қаторида судьяларнинг фаолиятини мониторинг қилишда кўл келмоқда.

Мухтасар айтганда, Судьялар олий мактабининг замонавий ўқув дастурлари ҳамда рақамлаштириш ташаббуслари жами-ятда адолат тамойилларининг устувор бўлишига, бунинг сама-расида одамларнинг ҳаётдан рози яшашларига қаратилгани билан аҳамиятлидир.

Низомиддин ЭРНАЗАРОВ,
Судьялар олий мактаби девонхона мудири

ГЕОСИЁСАТ НИМА?

«Геосиёсат» деган сўз кунда-кунора қулоғи-мизга чалинаётган бир замонда яшаймиз. Хўш, бот-бот тилга олинаётган ушбу атама қандай маънони англатади?

Содда қилиб айтганда, геосиёсат – халқаро муносабатлар назарияларидан бири бўлиб, у давлатнинг харитадаги жойлашуви, қўши-лари, денгизга чиқиш имконияти, савдо йўлла-рига яқинлиги, қандай ресурсларга эгалиги каби кўплаб географик омилларнинг халқаро рақо-батга таъсири ҳамда давлатнинг ана шу рақо-батдан келиб чиқиб юритадиган хатти-ҳаракат-ларига алоҳида эътибор қаратади.

XX аср бошларида Британия географи Хэл-форд Макиндер асос солган геосиёсат геогра-фия воситасида турли давлатлар ташқи сиё-сатининг устувор йўналишларини белгилловчи мустақил фан мақомига даъво қилган. Бироқ 1930-йилларга келиб, геосиёсий ёндашув илм-фан жамоатчилиги орасида жиддий танқидларга учради ва ўз нуфузини йўқотди. Фашистик Гер-мания ҳамда Япония ўз ташқи сиёсатида мазкур ёндашувдан фойдалангани боис, у мафкуравий жиҳатдан ёмонотлиққа чиқди. Натижада XX аср-нинг иккинчи ярмида геосиёсат мустақил илм сифатида тан олинмади. Бироқ геосиёсий ён-дашув халқаро муносабатлар фанида халқаро рақобатни таҳлил қилиш назарияларидан бири сифатида яшашда давом этди. Бу тушунчага Генри Киссинджер ва Бжезинский каби машҳур сиёсатшунослар ҳам мурожаат қилган.

Бугунги кун геосиёсатида географиянинг ўзига эмас, балки халқаро муносабатлардаги ҳу-дудий омилга кўпроқ эътибор қаратилмоқда. Ма-салан, А мамлакатларнинг географик жойлашуви уни ўз-ўзидан Б мамлакатаи душмани ёки итти-фоқчисига айлантириб қўймайди. Бироқ Б мам-лакатаи душман ёки иттифоқчи сифатида шу-ндай жойда жойлашгани, у А мамлакатининг хавфсизлигига таъсир қилади ва бу жуда муҳим аҳамиятга эга. Демак, ушбу омил албатта эъти-борга олиниши керак.

Хўш, нега бугун геосиёсат ҳақида бунча кўп гапиряймиз? Чунки дунёнинг географик хари-таси қайтадан бичилляпти. Сайёраимизнинг турли нуқталарида тинмаётган, гоҳ алангалиниб, гоҳ ўчаётган кескинликлар, тузилмаётган янги муко-бил иттифоқлар, ҳокимиятнинг рақамлашуви ҳамда глобалистик универсализм ва миллатлар идентлиги ўртасидаги қарама-қаршилик бугунги дунёни ҳам мафкуравий, ҳам ресурслар нуқтаи назаридан қайта форматляпти.

Геосиёсат эндиликда хариталардагина яша-маяпти. У аллақачон рақамларга, логистика йўналишларига, алгоритмлар кодларига ва одамлар онига кўчиб ўтган. Унинг юрак уриши бир вақтнинг ўзида ҳам ҳарбий шартномалар статистикаси, ҳам «янги жаҳон тартиби» ҳақи-даги башоратли баёнотлар, ҳам чегараларнинг йўқолаётгани, шунга қарамай, кескинлик тобора ортиб бораётгани билан боғлиқ хавотирли бир ҳиссиёт омикхатига айланган.

ТАФАККУРЛАР ТЎҚНАШУВИ

2025 йилда геосиёсий сахна АҚШ бошчили-гидаги атлантик глобал бошқарув модели ва Хи-той, Россия ҳамда БРИКС етакчилигидаги Евро-осиёнинг қўлқутбилик мантиги каби икки йирик мега-тафаккур тизими очикча тўқнаш келаятган кураш майдонига айланди. Буни нафақат таъ-сир доиралари учун кечаётган уруш, балки дунё



фалсафалари ўртасидаги кескин тўқнашув, деб ҳам аташ мумкин.

АҚШ Ҳинд-Тинч океани минтақасида ўз таъ-сирини мустаҳкамлаш мақсадида Филиппин, Япония ва Австралияда ҳарбий базаларини куч-айтирмоқда. Бошқа томондан, Хитой «Бир ка-мар, бир йўл» ташаббуси ва «тинч экспансия» сиёсати – қуролли тўқнашувлар эмас, балки портлар, йўллар, кредитлар ва маданий дастур-лар орқали «атрофини ўраб турган қучларни ихоталаш» стратегиясини амалга оширяпти.

Санкциялар босими остида қолганига қара-май, Россия ҳам шарқ ва жанубга – Марказий Осиё, Яқин Шарқ, Африкага интиляпти. Унинг стратегияси геоиқтисод ва логистикага асосла-нади. Москва транспорт йўлаклари, хомашё альянслари ва кибер-мустақилликка сармоя ки-риляпти.

Европада эса стратегик беқарорлик ҳукмрон. Бир томондан, у АҚШнинг чизган чизғидан чиқмай, Украинани санкциялар ва ҳарбий қу-рол-аслаҳалар билан қўллаб-қувватламоқда. Иккинчи томондан эса, миграциявий инқироз, ички норозиликлар ва энергетик муаммолар ор-тиб бормоқда. Қўпчилик сиёсатшуносларнинг фикрича, Европа Иттифоқида экзистенциал инқироз бошланган: унинг универсализм модели ҳам ичкаридан, ҳам ташқаридан шубҳа остига олинмоқда.

УРУШ – ЯНГИ АЛЪЯНСЛАР ТИЛИ

Замонавий уруш танклар ва ракета-лар билан чекланаётгани йўқ. У логистика, тарғи-бот-ташвиқот, санкциялар ва алгоритмлари ҳам қамраб оляпти. Дейки, Украина-Россия ўр-тасидаги урушга бутун дунё сиёсатчилари ва ҳарбийлари нигоҳи қадалган. Зеро, Украина янги турдаги уруш лабораториясига айланди. Дрон-лар, сунъий йўлдош орқали жосуслик, стратеги-инфратузилмаларга гибрид ҳужумлар... Булар-нинг барчаси уруш олиб бориш усуллари қанча-лик тез ўзгариб бораётганидан далолат беради.

Эътибор берган бўлсангиз, дунёдаги кескин-лик авваллари ташқи сиёсатда унча фаол бўл-маган бетараф давлатларни ҳам бир-бирига яқинлаштиряпти. Финляндия ва Швеция НАТОга қўшилди, Польша Европадаги энг йирик ҳарбий операторга айланди, Туркия эса Шарқ ва Ғарб ўртасидаги доимий воситачи мақомини қўлдан бермай келяпти.

Яқин Шарқда эса янги альянс шакллари учун кураш давом этмоқда. 2023 йили Хитой восита-чилигида Саудия Арабистони ва Эрон ўртаси-даги муносабатларнинг иликлашуви АҚШни би-роқ эсанқиратиб қўйган эди. Шу йил Исроилнинг Эронга қарши амалга оширган ҳарбий операця-си, жумладан, ядровий инфратузилмаларга бе-рилган зарбалар минтақанинг яқин келажакда янги альянсларнинг юзага келишига сабаб бў-лиши мумкин. Улар Яқин Шарқ тинчлиги учун хизмат қиладими ёки, аксинча, беқарорлиқни куч-айтирадими, башорат қилиш қийин.

РАҚАМЛАШУВ – ҲОКИМИЯТНИНГ ЯНГИЧА ШАКЛИ

Замонавий ҳукмронлиқнинг янги шакли ҳу-дуд эмас, инфратузилмадир. Қайси давлат 5G тизимини, булутли ҳисоб-китобларни ва сунъий интеллектни назорат қилса, ўша давлат маълу-мотларинигина эмас, балки халқларни ҳам бош-қариш имконига эга бўлади.

АҚШ ва Хитой узоқ йиллардан буён сунъий интеллект соҳасида рақобатлашяпти. Бу рақо-батда ғолиб чиққан томон технологик устунлик билан бир қаторда, сиёсий устунликка ҳам эга бўлади. Америка нейротармоқлари «ифода эр-кинлиги» тамойилларига, Хитойники эса назо-рат ва иерархияга бўйсунди. Бу – ҳар бири ўз фалсафасига эга иккита рақамли коинот дегани.

Россия, Ҳиндистон ва Эрон ўз рақамли мус-тақиллигини мустаҳкамлашга интиломоқда. «Мустақил интернет», Марказий банкларнинг рақамли валюталари, аноним платформалар ва рақамли нуфуз тизимларини вужудга келтириш

жараёни давом этмоқда. Сунъий интеллект од-дий ёрдамчи мақомидан кўра кўпроқ ҳокимият воситасига айланиб борапти.

ГЕОГРАФИЯ – ҲАМ ТАВҚИ ЛАЪНАТ, ҲАМ ИМКОНИЯТ

Интернетнинг дастлабки даврида география ўз аҳамиятини йўқотиб, сайёраимиз катта қиш-лоққа айлангандек эди. Аммо энди у яна бош омиллардан бирига айланыпти. Мисол учун, Арктика энди фақат муздан иборат чўл эмас. У ресурслар ва логистик йўналишлар учун ку-раш майдонига айланганига анча бўлган. Хи-той «Қутб ипак йўли»ни қурапти, Россия Шимо-лий денгиз йўлини ҳарбийлаштиряпти, АҚШ эса ушбу ҳудудда ҳарбий патруль фаолиятини куч-айтиряпти.

Марказий Осиё – Хитой сармоалари, Россия-нинг хавфсизлик билан боғлиқ манфаатлари ва Ғарбнинг «юмшоқ куч»га таянган лойиҳалари кесишадиган макон. Ана шундай бир вазиятда мамлакатимиз ўз ислохотлари ва бетараф пози-цияси билан Россия, Хитой, Туркия ва Ғарб ман-фаатлари ўртасида мувозанат сақлашга ҳара-кат қилиб, минтақа давлатлари ўртасида обрўли воситачига айланиб бормоқда.

Африкадаги кобальт, уран ва нодир ерости бойликлари учун энди армиялар эмас, сармоя фондлари ва хусусий ҳарбий компаниялар ку-рашмоқда. Мали, Марказий Африка Республи-каси, Эфиопия каби мамлакатларда Ғарб, Хитой ва Россия қарама-қаршилиги янги шаклларда намоён бўлмоқда.

ЯНГИ ИТТИФОҚЛАР – ЯНГИ МАНТИҚ

Бугунги БРИКС ривожланаётган давлатлар клубидан «муқобил глобализация»ни шакллан-тирувчи платформага айланди. 2025 йилда унга Эрон, Аргентина, Миср ва Саудия Арабистони қўшилди. Уларни бирлаштираётган нарса маф-кура эмас, балки долларга қарамлик ва санк-

ХАЛҚАРО ШАРҲ

ШХТ хавфсизлик доирасидан чиқиб, иқтисо-дий ва маданий лойиҳаларга ҳам жиддий эъти-бор қаратяпти. Ўзбекистон, Қозоғистон, Ҳиндис-тон ва Эрон қўшма таълим платформалари, логистика марказлари ва энергетик коридор-лар ҳақида музокаралар олиб бормоқда. Агар фавқулодда ҳолатлар юз бермаса, дунё мар-кази яқин орада Глобал Жанубни тамсил этувчи давлатлар ҳудудига кўчиб ўтиши мумкин.

КЕЛАЖАҚДА БИЗНИ НИМАЛАР КУТАПТИ?

Назаримда, бугунги таҳликали замонда дунёнинг ҳар бир давлати, қайсидир маънода, глобал масалалардан кўра кўпроқ ички сиёса-тига юзланиб, барқарор тараққиётга элтувчи қудратини, идентлигини топишга интилади. Қўдратли минтақавий давлатлар мавқеи ортади. Глобал интернет парчаланиб, Хитой, Аме-рика, исломий ва Лотин Америкаси интернет сегментлари юзага келади. Маданий кодлар ал-горитмларга қайтади. Табиийки, киберкуроллар-нинг аҳамияти тобора ортиб боради. Киберху-жумлар янги дипломатия услуги, давлатни тармоқдан узиб қўйиш урушининг янги шаклига айланади. Рақамли назорат кучаяди: нейро-тармоқлар аҳоли ҳулқ-атворини шаклланти-ришни бошлайди. Давлатлар рақамли паспорт-лар, ҳулқ-атвор кредити рейтингларини ишлаб чиқади.

ГЕОСИЁСАТ ФАЛСАФАСИ

Ҳар қандай геосиёсат замирида назорат қилишдан, ресурслардан, ўзлиқдан айрилиш қўрқуви мужассам. «Тарих эътироф учун кураш-ди», деган эди Гегель. Бугун эса бу кураш на-фақат эътироф, балки қонун-қондаларни қайта ёзиш ҳуқуқини қўлга киритиш учун ҳам олиб бо-риляпти. Россия тарихий қудратини тиклаш, Хи-той тамаддуний етакчилигини қайтариш, АҚШ Рах Americasдан, Европа ўз руҳини сақлаб қо-лиш учун курашяпти. Аммо бу курашга сунъий интеллект, корпорациялар, нейротармоқлар ҳам қўшилган. Келажакнинг субъекти қис бўлади? Давлатми, инсонми, ё Алгоритм? Ёки шу уч ун-сур бирлашиб, ҳукмронлик ўрнатадими? Омон қолсақ, бундай тахминларнинг амалга ошишини яқин ўн йилликларда кўришимиз мумкин.

Хуллас, 2025 йилнинг геосиёсати хавотир-ларга тўла. Дунё бир вақтнинг ўзида ҳам тар-тибли, ҳам тартибсиз, ҳам мантиқли, ҳам ман-тиқсиз. Уни тушуниш учун таҳлилларнинг ўзи қийф қилмайди – ички ҳиссиёт ҳам зарур. На-фақат стратегияга, балки фалсафага ҳам эҳтиёж бор. Шунн унутмаслик кераки, ўзгаришлар маз-мун-моҳиятини чуқур ҳис қила оладиган, замон билан ҳамнафас, ўз манфаатларининг узоқ йил-лик режаларини туза олган давлатларгина ғолиб бўлади. Дунё «глобализациядан кейинги» давр-га ўтляпти. Ана шундай долғали даврда геосиё-сатни англаш оддийгина қизқиш эмас, ҳаётий заруратидир. Зеро, миллий манфаат ташқи ва ички сиёсат билан бир қаторда, дунёни фалса-фий идрок этиш, маданий иммунитет ва техно-логик мустақиллигини ҳам аниглади. Бу тушун-чаларга эътиборсизлик – тарихий тараққиётдан четда қолиш билан баробар.

Жаҳонгир НАҲАНОВ
«ISHONCH»



Китоб муталааси кишига ҳузур бағиш-лайди. Кўнгилга ором, қалбларга зий ё беради. Инсонларга яхши ва муносиб яшашни, меҳнат ва ватан қадрини би-лишни ўргатади, қалбига поклик ва меҳр уруғини экади.

Яхши китобларни ўқиган киши ўзгаларга ҳам эзулик соғинади. Аксинча, китоб ўқи-маган инсон жамиятдан, одамлардан йи-роқлашади. Маълумотларга кўра, умуман китоб ўқимайдиган инсонларнинг 43 фоизи қашшоқликда яшайди. Саводли инсонлар орасида эса ундай тоифадагилар 4 фоизни ташкил этади. Тадқиқотларда аниқлани-шича, китоб ўқишни хуш кўрадиган болалар мактабда ҳам аълочи бўлади. Улар грам-

БОЛАГА КИТОБ БЕРИНГ

ёхуд жамиятда китобхонликнинг аҳамияти хусусида мулоҳазалар

матикани ҳам, математикани ҳам яхши ўз-лаштиради.

Юртимизда ҳам ёшлар билан ишлаш, уларнинг тафаккурини юксалтириш, маъна-вий имунитетини мустаҳкамлаш, энг муҳими, китобхонлик маданиятини шакллантириш бо-расида бугун қатор эзгу ишлар амалга оши-рилмоқда. Мактабларда, олий таълим муас-сасаларида, маҳаллаларда ўтказилаётган «Энг яхши китобхон», «Китоб ҳафталиги», «Китобхонлик куни» каби лойиҳалар ёшлар орасида катта қизиқиш уйғотмоқда.

«Миллий тикланиш» демократик пар-тияси томонидан ҳам ёшлар орасида ки-тобхонликни тарғиб қилиш бўйича ама-лий ишлар йўлга қўйилган. Жумладан, де-путатлар ўзлари сайланган ҳудудларда маҳалла кутубхоналарига замонавий ба-дий адибётлар туҳфа қилишмоқда. Пар-тия ташаббуси асосида таълим даргоҳлари билан ҳамкорликда очиқ муҳокамалар, ада-бий кечалар, ёзувчи ва шоирлар билан уч-рашувлар ўтказилмоқда.

Ёшлар – миллатнинг эртанги куни, дав-латнинг таянчи, юрт истиқболининг энг муҳим ҳалқаси. Эртага биз қандай жамия-ятда яшашимиз айнан ёшларга муноса-батга, қарашларга, тарбияга, маънавиятга

боғлиқ. Айни пайтда ёшларнинг бўш вақт-ларини сермазмун ўтказишга, тафаккурини бойитишга, маънавий имунитетини оши-ришга хизмат қиладиган энг асосий восита китобдир.

Аммо бугунги ёшларнинг аксарияти вақтини телефон, интернет ва ижтимоий тармоқларда ўтказмоқда. Афсуски, бу плат-формаларда кўпинча ҳаётга, келажакка, маънавиятга эмас, балки лаҳзалик «тренд»-ларга хизмат қиладиган контентлар устувор-лик қилмоқда. Шу сабабли уларнинг дунё-қарашни юзаси, эътиқоди заиф, тарихий онг, миллий ифтихор масалаларида сусткаш бў-либ қолишдан асраш бугунги куннинг энг долзарб масалаларидан биридир.

Мен, депутат сифатида, бу масалани фақат танқид қилиш эмас, балки муаммони ҳал этиш бўйича аниқ чоралар кўришни ўз бурчим, деб биламан. Тафаккурли ав-лодни тарбиялаш – бу шунчаки шиор эмас. У аниқ ҳаракат, тизимли ёндашув ва бошқа-ларга ибрат бўла оладиган муҳитни яратиш орқали рўёбга чиқади.

Ҳозирда партиямиз ташаббуси билан «2026-2030 йилларда китобхонликни ривож-лантириш миллий дастури ва концепция-си» лойиҳасини ишлаб чиқиш бўйича

шакллантирилган ишчи гуруҳи билан лойиҳага таклифлар тайёрланмоқда. Ушбу ҳужжат китоб наشري, таржимашунослик, савдо, қонунчиликдаги бўшлиқлар, кутубхо-налар фаолиятини ислоҳ қилиш каби ком-плекс масалаларни қамраб олади.

2023 йилда Жанубий Кореяда 7,3 мил-лион бола учун 70 миллион нусхада болалар китоби чоп этилган. Юртимизда эса 10,5 мил-лион бола учун бор-йўғи 8,5 миллион нусха. Бу тафовут кишини чуқур ўйга толдиради. Бо-лалар адабиёти ривожланмас экан, ёшлар ўқимайди. Чунки «йўқ нарсани ўқимайди» – бу аччиқ, аммо ҳақиқат.

Китоб ўқиган ёшлар Ватанни севади. Чунки улар тарихни билади, аждодлар жа-соратидан ибрат олади, жамиятда ўз ўрнини топади. Ватанпарварлик, инсонийлик, ҳа-лоллик, фидойилик, эзулик хислатларини китоб шакллантира олади. Шундай экан,

ёшларимизга телефон эмас, китоб дўст бў-лиши керак!

Муталаа маданияти оиладан бошла-нади. Жамиятимизда ҳар бир оила кичик бўлса-да, ўз кутубхонасига эга бўлиши, ота-оналар фарзандларига китоб совға қи-лишга одатланиши, мактаб, маҳалла ва жа-моат жойларида китобхонлик тадбирлари тизимли давом эттирилиши, депутатлар, жамоат арбоблари, блогерлар китобхон-ликка тарғиб қилишда ибрат бўлиши бугун ҳар қачонгидан ҳам юқори босқичга чиқиши замон талаби ва тақозосидир.

Зеро, илм ва маърифатли ёшларимиз Янги Ўзбекистоннинг эртанги порлоқ истиқ-боли давомчиларидир.

Отабек ЖИЯНБОЕВ,
«Миллий тикланиш» демократик
партияси Тошкент шаҳар
Кенаш раиси

Ҳозир ҳар ким ижтимоий тармоқлар орқали ўз фикрини эмин-эркин билдирапти. Бу яхши. Сўз эркинлиги дегани шуда. Аммо «Facebook», «Instagram», «Telegram», «TikTok» каби платформалар ўзига «халқпарвар блогер», деб ном қўйиб олганларнинг ҳам кенг майдонига айлан-япти. Аслида улар қанчалик халқпарвар ва қанчалик ҳақиқатгўй? Ва яна улар ҳақиқа-тан блогер деган номга лойиқми?

Хўш, қайсидир тармоқда пост ёзган, ви-део жойлаштирган одам блогер ҳисоблана-дими? Блогер бўлиш учун фақат ижтимоий тармоқда фаол бўлишнинг ўзи етарлими?

Аслида блогерликни тан олишнинг ўз меъ-ёрлари, қонун-қоидалари бор экан. Хусусан, жаҳон амалиётида блогерлик деганда бирор соҳага ихтисослашган, жамоатчиликка таъ-сир ўтказа оладиган фаолият тушунилади. Масалан, Meta (Facebook) платформасида «verified creator» (*тасдиқланган блогер*) мақомига эришиш учун камида 50 минг фол-ловер, постларда ўртача 10000 та муносабат ва муҳокама ҳамда контент сиёсатида риоя қилиш керак экан.

«YouTube» блогери бўлиш учун каналда камида 1000 нафар обуначи ва 4000 та кўриш талаб қилинади. «TikTok»да «Creator Fund» ёки «Creator Next» дастурида қатна-шиш учун 100000 та лайк, 10000 фолловер ва 30 кун фаоллик талаб этилади.

Демак, барча мавзўларга аралашиб, гўёки ҳамма ишни дундириб ташлайдигандек, ўзига «универсал блогер» мақомини бериб олганлар чучварани хом санайди. Чунки блог-ерлик бирон-бир соҳада ихтисослашган бў-лиши керак. Ҳар ҳолда, хорижий тажрибада шундай. Яъни ривожланган давлатлар фуқа-ролари ақли етган соҳада блогерлик қилади. Аниқроғи, у ерда ихтисослашган блогерлар фаолият олиб боради. Кимдир мусиқани яхши тушунса, демак, у мусиқий блогер ва мусиқа борасида ўз фикрлари ва танқидла-рини ёзиб боради. Теш-блогерлар – янги технологиялар ва гаджетлар ҳақида ёзади. Fashion-блогерлар – мода, имидж, брендлар билан ишлайди. Сиёсий блогерлар – фақат сиёсий таҳлил ва воқеликлар билан шуғул-



ланади. Улар билими ва мутахассислигига кўра, аудиторияга таъсир қилади ва жами-ятда маълум мақомга эга бўлади. Бир шахс ҳамма соҳани ёритмайди, яъни уларда «уни-версал блогер», деган тушунчанинг ўзи йўқ. Аччиқ бўлса-да, ҳақиқат шуки, бизда бунинг тамоман акси – блогерлар ҳамма соҳанинг пири... Ақли етса-етмасе, гўёки ундан катта сиёсатчи йўқ.

Хўп, бу борада қонун нима дейди? Пост-менлик ёки блогерликнинг ваколати нимада? Масалан, Германияда «Ижтимоий тар-моқларда ҳуқуқни қўллашни тақомиллашти-риш тўғрисида»ги («Facebook тўғрисида»ги қонун деб ҳам аталади) қонун бўйича иш ту-тилади. Унга кўра, конституциявий тузумга, миллатлар ўртасидаги аҳилликка зид, на-цизм ғояларини тарғиб этувчи, шахс, унинг шаъни, кадр-қимматини камситувчи, шахсий

ҳаёт дахлсизлигига путур етказадиган маъ-лумотларни тарқатиш тақиқланади. Швей-царияда ҳам туҳмат ва ҳақорат учун жиноий жавобгарлик белгиланган.

Қонунчилигимизга кўра, бизда ҳам ноқо-нуний тарқатилган ахборот, маълумотлар, даъват, ҳақорат ва туҳмат юзасидан тегишли жавобгарлик белгиланган.

Шундай экан, ижтимоий тармоқларда сўз айтаётганда нихотда хушёр бўлиш, ҳар бир гап учун масъулиятни ҳис қилиш ло-зим. Энг муҳими, тарқатилмаётган маълу-мотлар ҳақиқатга мос ва фойдали бўлиши керак.

Ана шундагина блогер жамиятга наф кел-тиради, элда ҳурмат ва эътибор топади.

Умид ХУДОЙҚУЛОВ
«ISHONCH»

Мароқли дам олинг, азиз газетхон!



Абдулла Шомаргулов
ижросида
«СЕНСАН СЕВАРИМ»
қўшиғи

Лutfий
ғазали

Сенсан севарим, хоҳ инон, хоҳ инонма,
Қондур жигарим, хоҳ инон, хоҳ инонма.
Хижрон кечаси чархи фалакка етар, эй моҳ,
Оҳи саҳарим, хоҳ инон, хоҳ инонма.

MUASSIS:



ISSN 2020-5002
2007-yil 11-yanvarda
O'zbekiston Matbuot
va axborot agentligida
116-raqam bilan
ro'yxatga olingan.

«Ishonch» va «Ishonch-Doverie»
gazetalari tahrir hay'ati:

Qudratilla RAFIQOV
(tahrir hay'ati raisi),
Ulug'bek JALMENOV, Anvar ABDUMUXTOROV,
Sayfulla AHMEDOV, Akmal SAIDOV, Ravshan BEDLOV,
Qutlimurot SOBIROV, Suhrob RAFIQOV, Shoqosim SHOISLOMOV,
Hamidulla PIRIMQULOV, Nodira G'OYIBNAZAROVA,
Anvar QULMURODOV (Bosh muharrirning birinchi o'rinbosari),
Mehridin SHUKUROV (Mas'ul kotib – «Ishonch»),
Valentina MARSENYAK (Mas'ul kotib – «Ishonch-Doverie»)

Bosh muharrir
Husan ERMATOV

«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart.
Mualliflar fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin.

Bo'limlar:

Kasaba uyushmalari hayoti – (71) 256-64-69
Huquq va xalqaro hayot – (71) 256-52-89
Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport – (71) 256-82-79
Xatlar va muxbirlar bilan ishlash – (71) 256-85-43
Marketing va obuna – (71) 256-87-73

Hududlardagi muxbirlar:

Qoraqalpog'iston Respublikasi – (+998-99) 889-98-20
Andijon viloyati – (+998-99) 889-90-23
Buxoro viloyati – (+998-99) 889-90-31
Navoiy viloyati – (+998-99) 500-05-12
Jizzax viloyati – (+998-99) 889-90-34
Namangan viloyati – (+998-93) 213-09-66
Samarqand viloyati – (+998-99) 889-90-26
Sirdaryo viloyati – (+998-99) 889-98-55
Surxondaryo viloyati – (+998-90) 379-19-70
Toshkent viloyati – (+998-99) 600-40-44
Farg'ona viloyati – (+998-99) 889-90-24
Xorazm viloyati – (+998-99) 889-98-01
Qashqadaryo viloyati – (+998-97) 705-08-93

Navbatchi muharrir:

Alijon ABDURAHMONOV

Musahhih:

Umida XUDOYBERGANOVA

Sahifalovchi:

Hasan ABDULLILOV

Bosishga topshirish vaqti – 23.50
Topshirildi – 00.20

Bahosi kelishilgan narxda

Gazeta haftaning
seshanba,
payshanba va shanba
kunlari chiqadi.
Gazeta «Ishonch»ning
kompyuter markazida
terildi va sahifalandi.

Manzilizimiz:

100165, Toshkent shahri,
Buxoro ko'chasi, 24-uy.
E-mail: ishonch
1991@yandex.uz

Nashr ko'rsatkichi: 133

Gazetaning
poligrafik jihatdan
sifatli chop
etilishiga
bosmaxona mas'ul.
Gazetaning yetkazib
berilishi uchun obunani
rasmilashtirgan
tashkilot javobgar.

Umumiy adadi 32 083 ta

Shundan: 6 187 nusxasi

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik
kompaniyasi bosmaxonasi –

Toshkent shahri, Buyuk Turon ko'chasi, 41-uyda;

18 116 nusxasi

«Eruditi» MCHJ bosmaxonasi –

Samarqand shahri, Spitamen ko'chasi, 270-uyda;

7 811 nusxasi

«Poligraf-Press» MCHJ bosmaxonasi –

Marg'ilon shahri, Turkiston ko'chasi,

236-«b» uyda chop etildi.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.

Hajmi 2 bosma taboq. **Buyurtma G-711**

1 2 3 4 5 6